

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.85.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ГАФУРОВ АНВАР БАЗАРБАЕВИЧ

**КЎМИР САНОАТИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИДА
АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
economics sciences**

Гафуров Анвар Базарбаевич

Кўмир саноати корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш
тизимини такомиллаштириш 5

Гафуров Анвар Базарбаевич

Совершенствование системы информатизации корпоративного
управления в угольной промышленности..... 27

Gafurov Anvar Bazarbayevich

Improvement of informatization system in corporate governance of coal
industry..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.85.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ГАФУРОВ АНВАР БАЗАРБАЕВИЧ

**КЎМИР САНОАТИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИДА
АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Iqt397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.wiut.uz)да ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Иминов Одилжон Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муродова Хусния Мухиддиновна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Назаров Шарофиддин Ҳакимович иқтисодиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.I.85.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «05» май соат 16.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 12-уй. Тел.: (99871) 238-74-44; факс: (99871) 236-35-99; e-mail: info@wiut.uz)

Диссертация билан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 12. Тел.: (99871) 238-74-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 04 куни тарқатилди.

(2021 йил «26» 04 даги ___ рақамли реестр баённомаси).


Б.А.Исломов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ф.П. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

К.Х.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, с.ф.н., доц



Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё кўмир саноати амалиётида корпоратив бошқарувга хос ишонч, ошкоралик ва ҳисобдорлик мезонлари инвестицион муҳитни яхшилаш, молиявий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўмир саноати корхоналари бошқарувида ахборотларнинг очиклик даражаси халқаро корпоратив бошқарув тамойилларнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида кўрилмоқда. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти (ОЕСД) маълумотида кўра, ташкилотга аъзо давлатларда акциядорларга ахборотларни етказиш муддати ўртача 15-21 кунни ташкил этса, аъзо давлатларнинг 5 фоизида, яъни Япония, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Исландияда 15 кундан кам, Канада, Италия, АҚШ, Венгрия, Голландия ва Чехияда 30 кунни, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг автоном ҳудудида эса акциядорларга ахборотларни етказиш муддати 20 иш кунини ташкил этади.¹

Жаҳонда кўмир саноати корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, инвестор (бўлажак акциядор)лар учун қулай вақтда акциядорлик жамиятларидан молиявий ҳисоботларни, керакли маълумотларни олиш тизимини халқаро стандартлар асосида тадқиқ этиш ҳамда жамият бошқарувида акциядорларнинг комплекс аралашувини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Жаҳон амалиётида синалган тажрибаларни татбиқ этиш ва кўмир саноати корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида кўмир саноати корпоратив бошқарувининг комплекс самарадорлигини оширишга ва жамият акциядорларига индивидуал ёндашувлар асосида кўмир саноати бошқарувини такомиллаштиришга ҳамда халқимизни сифатли кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ кўмир саноати бошқарувида инновацион ахборотлаштириш тизими етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли саноатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва инвестицияларни жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Кўплаб компанияларимиз молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани сабабли компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш»² кераклиги ҳамда «Корхоналар ўз вазифаларини тўлиқ бажариш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга кўмаклашиш

¹ OECD (2019), OECD Corporate Governance Factbook 2020//www.oecd.org/corporate/corporate-governance-factbook.htm

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3130>

имконини бермайдиган қатор муаммолар мавжудлиги, хусусан, корпоратив бошқарувнинг шаффоф эмаслиги»³ таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»⁴ каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш учун кўмир саноати корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли, 2018 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, шунингдек, ахборот тизимларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5598-сонли, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармонлари, 2015 йил 31 мартдаги «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2327-сонли ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этишни тадқиқ қилиш масалалари бўйича хорижлик олимлардан: К.Н.Бакер, Р.Андерсон, Р.С.Каплан, Д.П.Нортон, Б.Бернард, Б.Лавренсе, М.Кайлор, Ф.Клампитт, В.Лии, Р.А.Монкс, Н.Минов,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3720-сонли Қарори // <http://www.lex.uz/docs/3734159?ONDATE=15.05.2018%2000>

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3107036>

Б.Чеффинкс, Л.Зингалес, А.Шлеифер, В.Роберт⁵ ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлари олимлари томонидан корпоратив бошқарувнинг шаклланиши ва корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича: Я.И.Функ, В.А.Михалеченко, В.В.Хвалей, А.М.Сонин, Б.Блэк, Р.Крекман, Ч. Барнард, И. Храброва, С. Карнаухов, Е.В. Песоцкая, О.В. Русецкая, Л.А.Трофимова, В.В.Трофимов, О.С.Виханский, А.Н.Наумов, В.В.Ковалев, И.А.Коноплева, О.А.Хохлова, А.В.Денисов⁶ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг шаклланиши, ривожланиши ва бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг умумий жиҳатлари бўйича: Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Ф.Юлдашев, Д.Х.Суюнов, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Рахимова, Р.И.Нуриббетов, Л.М.Турикова, Ж.А.Фаттахова, Р.И.Яушев, К.Ф.Толипов, М.Б.Хамидуллин, А.А.Хашимов, Р.Р.Абдураупов⁷лар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида ахборот тизимлари бошқарувининг назарий-услубий асослари тўғрисида Х.Н.Рузметова, Т.П.Жиёмуратов ва А.Н.Арипов⁸лар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

⁵ Kent Baker & Ronald Anderson, Corporate governance: A synthesis of theory, research and practice. An overview of corporate governance, John Wiley&sons, Inc.2010; Kaplan R.S., Norton D.P. Alignment: Using the Balances Scorecard to Create Corporate Synergies. Harvard Business Review Press, 2006; Black Bernard, Corporate law and residual claimants, escholarship repository, university of California, 1999, <http://repositories.cdlib.org/blewp/27/>; Brown Lawrence & Marcus Caylor, Corporate governane and firm performance, 2004, http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=586423; Phillip Clampitt & Williams Lee, Managing organizational uncertainty: coneptualization and measurement, 2005 <http://www.imetacommm.com/otherpubs/research/manorguncertain.pdf>; Robert A.G.Monks, Nell Minow, Corporate governance 5th edition, Evolution of the corporate structure, ISBN 10: 0470972599, ISBN 13: 9780470972595 Publisher: Wiley, 2011, Brian R. Cheffins, The History of Corporate Governance, Law Working Paper N°.184/2012; Luigi Zingales, «Corporate governance» in Peter Newman (ed.), The New Palgrave Dictionary of Economics and the Law, London: Macmillan, 1998, Andrei Shleifer Robert, W. Vishny, A Survey of Corporate Governance, <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/epdf/10.1111/j.1540-6261.1997.tb04820.x>, 2012,

⁶Функ Я.И., Михалеченко В.А., Хвалей В.В. АО: история и теория. – Минск, 1999., Сонин А.М., Корпоративное управление: мифы и реальность, Управление компанией. 2005.№12 (55), Блэк Б. и Крекман Р. Самодостаточная модель корпоративного права. – М.: Дело, Барнард Ч. Функции руководителя. Власть, стимулы и ценности в организации.-М.:Социум, ИРИСЭН. 2009, Храброва И. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.: 2000, Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур, Риск.- М.: 2004. - №1, Е.В. Песоцкая, О.В. Русецкая, Л.А. Трофимова, В.В. Трофимов Менеджмент, -М.: Юрайт, 2012. О.С.Виханский и А.Н.Наумов, Менеджмент,-М.: 2006, В.В.Ковалев Финансовый анализ, -М.: «Финансы и статистика» 2004г., Коноплева И.А., Хохлова О.А., Денисов А.В., Информационная технология: учеб пособие. под ред. И.А.Коноплевой.- М.: ТК Велби, Изд-во «Прспект», 2007.

⁷Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. -Т.: ИНБ им. Алишера Навои 2005, - с.147; Ходиев Б.Ю. Корпоратив бошқариш.-Т.: Иктисодиёт, 2010, 257 б.; Юлдашев Ш.Ф. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви.-Т.:Akademiya, 2005 139 б.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммолар ва ечимлар.-Т.:Akademiya, 2007.-317 б.; Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув. - Т.: Akademiya, 2010, 69 б.; Нуриббетов Р.И., Турикова Л.М. Корпоратив бошқарувда стратегик менежмент самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: «Fan va texnologiyalar» 2010 у (Монография). Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. -Т.: «ИТМ», 2006. – 79 б.; Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши.-Т., 2007. Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иктисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш Докторлик диссертация автореферати, -Т., 2016.

⁸ Рузметова Х.Н. Компания бизнес-жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш, диссертация иши, 2011, Жиёмуратов Т.П. Корхона бошқарув жараёнлари ахборот

Аммо давлат ва жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи кундан кунга ортиб, ахборотнинг қиймати юксалиб бораётган, сифатли ва интерфаол усулларда давлат хизматлари кўрсатиш давр талабига айланиб улгурган ҳозирги шароитда корпоратив бошқарувда маълумотларнинг вақтида тақдим этилиши нафақат акциядорлик жамиятига, шунингдек, жамият фаолиятига бефарқ бўлмаганлар учун ҳам муҳимлик даражаси, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ўртасидаги ахборотларни алмашинув тизимини ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш масалалари ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот иши йўналишини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170927486 – «Ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш ва мансаб поғоналарида ўсиш истиқболини белгилаш технологиялари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корпоратив бошқарувда ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш эвазига акциядорларнинг акциядорлик жамияти фаолиятида кенг иштирок этишини таъминлаш орақали бошқарув сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпоратив бошқарувнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденциясини ўрганиш ҳамда корпоратив бошқарувда ахборотлаштириш тизимининг заруриятини асослаш;

корпоратив бошқарув тизимида ахборотларни ошкор этишнинг ташкилий хусусиятларини тизимли ёндашув асосида очиб бериш;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида бошқарув тизими ва ишлаб чиқариш жараёнининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ва корпоратив бошқарув тизимини таҳлил қилиш;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бошқарувда ахборотлаштириш тизимларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро молиявий ҳисоботлар асосида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида ахборот тизимини такомиллаштиришни таклиф этиш;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бошқарувда ахборотлаштириш тизимларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

таъминотини ташкил этишни такомиллаштириш (Қорақалпоқ МТПП" АЖ мисолида) и.ф.н. илмий даражасини олиш учун иш, 2010, Арипов А.Н., Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари, и.ф.н. олиш учун диссертацияси, 2004

ахборотлаштириш тизимларидан самарали фойдаланиш асосида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти корпоратив бошқаруви ва ундаги ахборотлаштириш тизими танланган.

Тадқиқотнинг предмети «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш тизимидан самарали фойдаланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, умумлаштириш, қиёсий таққослаш, тизимли ёндашув, статистик, регрессион, факторли ва корреляцион таҳлиллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акциядорларга ахборотларни узатиш ва қарорларни қабул қилиш тизимларини соддалаштирилган шаклда ҳамда транзакцион харажатларни оптималлаштириш учун System applications and products (SAP) дастурий таъминотлари асосида ахборотлаштиришнинг концептуал схемаси таклиф этилган;

бошқарувни рақамли иқтисодиёт тамойилларига самарали мослаштириш ва интерактив мулоқотини кенг таъминлашда акциядорларнинг шахсий портални татбиқ этиш алгоритми асослаб берилган;

акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувида ахборот ошқоралик кўрсаткичларининг ортиши асосида акциядорларга тўланадиган дивиденд ҳажмини кўпайиши математик модель асосида исботланган;

акциядорлик жамиятида акциядорларга тўланадиган дивиденд миқдорининг прогноз кўрсаткичлари 2023 йилга қадар математик модели асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувида System applications and products (SAP) дастурий таъминотлари асосида ахборотлаштириш концептуал схемасининг ишлаб чиқилиши жамият акциядорлари соддалаштирилган ва ягона тизимда ахборотларни қабул қилишига ҳамда жамият бошқарувининг рақамлаштирилишига (digital governance) хизмат қилган;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти акциядори шахсий портални татбиқ этиш акциядорларнинг умумий йиғилишда онлайн иштироки, акциялар ва ҳисобланган дивидендлари миқдори тўғрисида маълумотларни тез ва осон олиши ҳамда жамият билан интерактив мулоқотини таъминлаган;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти веб-сайтида корпоратив бошқарув тизимига оид ахборотларни ҳажмининг кенгайтирилишига, жумладан, кузатув кенгаши ва ижроия органининг ҳар бир аъзоси учун ўтган йилдаги тўловлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилишини таъминлаган;

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти акциядорларига тўланадиган дивиденд миқдори прогнозини ишлаб чиқиш жамият корпоратив бошқарув тизимида акциядорлар фаол иштирокини ҳамда уларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти маълумотларига асосланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган дастур, модель, механизм ва тавсиялар АЖда қарорлар қабул қилишнинг мақул ечимларини топиш, кўп вариантли ва альтернатив сценарийларга асосланган прогнозлар ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, диссертациянинг илмий натижаларидан менежментга (бошқарувга) оид илмий қўлланма ва услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса улардан корпоратив бошқарув соҳасида, хусусан, корпоратив бошқарувда ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Корпоратив бошқарув», «Ижтимоий соҳа менежменти» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўмир саноати корпоратив бошқарувида ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акциядорларга ахборотларни узатиш ва қарорларни қабул қилиш тизимларини соддалаштирилган шаклда ҳамда транзакцион харажатларни оптималлаштириш учун System applications and products (SAP) дастурий таъминотлари асосида ахборотлаштиришнинг концептуал схемаси бўйича берилган таклиф «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий қилинган («Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 21 июндаги 01-13-359-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилиши натижасида, жамият акциядорларига ахборотларни таснифланган, гуруҳланган ва соддалаштирилган шаклда олишга ҳамда жамият бошқарувининг рақамлаштирилишига хизмат қилган;

бошқарувни рақамли иқтисодиёт тамойилларига самарали мослаштириш ва интерактив мулоқотини кенг таъминлашда акциядорларнинг шахсий порталини татбиқ этиш алгоритми бўйича берилган таклиф «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий қилинган («Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 21 июндаги 01-13-359-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилиши натижасида, акциядорларнинг интерактив мулоқотни таъминлашга ва уларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш харажатларини 60 фоизга қисқартиришга эришилган;

акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувида ахборот ошкоралик кўрсаткичларининг ортиши асосида акциядорларга тўланадиган дивиденд ҳажмининг кўпайишининг математик модели бўйича берилган таклиф

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий қилинган («Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 21 июндаги 01-13-359-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг акциядорлик жамият фаолиятига жорий этилиши натижасида жамият веб-сайтида корпоратив бошқарув тизимига оид маълумотлар кенг жорий этилиши ҳамда акциядорларга тўланадиган дивиденд ҳажмининг 0.53 фоизга ошишга хизмат қилган;

акциядорлик жамиятида акциядорларга тўланадиган дивиденд миқдорининг математик модели асосида 2023 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари бўйича берилган таклиф «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий қилинган («Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 21 июндаги 01-13-359-сон маълумотномаси). Натижада, жамият акциядорларининг корпоратив бошқарув тизимида фаоллиги 23.5 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 10 та маъруза тезислари халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корпоратив бошқарувда ахборотлаштиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида корпоратив бошқарувнинг шаклланиши, ривожланиши ва корпоратив бошқарувда ахборотлаштириш зарурияти ҳамда ахборотларни ошқор этишнинг ташкилий хусусиятларининг назарий-услубий асослари таҳлил қилинган.

Корпоратив бошқарувнинг асосий жиҳатлари сифатида корхонанинг барча иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳитини шакллантириш ва улар ўртасида ишончни ошириш мақсадида. Корпоратив

бошқарувда хулқ тамойилларига риоя қилиш ва шаффофликка асосланган тизимли бошқаришга ўтиш йўллари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида корпоратив бошқарув ривожланишининг бир неча минг йиллик тарихини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кундаги корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш жараёни ўрганилган. Шериклик муносабатларида иштирокчилар ўртасида умумий мақсад ва мулкка эгалик хисининг вужудга келиши, уларнинг бир мақсад ортида бирлашиши, шерикчилик асосида эришилган натижадан манфаатдорлик ва шерикларнинг ҳар бирининг вазифаси ҳамда бажарган амалларига қараб якуний натижани ўзаро тақсимланиши ёритилган.

Бу борада олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив бошқарув тизими ривожланишида ҳар бир ҳудуднинг акцияларга эгалик қилиши, молиявий тизими ва манбалари, урф-одатлари, мавжуд бозор муносабатлари, давлатнинг корхоналар бошқарувига аралашув даражаси макроиктисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ислохотларнинг давомийлиги ва жадаллиги билан узвий боғлиқликда шаклланади. Юқорида санаб ўтилган омиллар акциядорлик жамияти тизимининг яралишига билвосита таъсир қилади (1-расм).



1-расм. Корпоратив бошқарувнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар⁹

Шу нуқтаи назардан корпоратив бошқарувни «тизимли бошқарув»¹⁰, «даромад олишда биргаликдаги ҳаракат»¹¹, «мақсадга эришишдаги фаолият мажмуи»¹², «даромадларни иштирокчилар ўртасида адолатли тақсимлаш»¹³, «манфаатлар мувозанатини ўрнатиш»¹⁴ каби тушунчалар билан ифодаланишини инобатга олган ҳолда тадқиқотчи бу борадаги мавжуд қарашларни бойитган ҳолда «Корпоратив бошқарув бу - корхона фаолиятига бевосита ва билвосита алоқадор ҳамда манфаатдор бўлмаган шахсларнинг

⁹ Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография.- Т.: Молия, 2008,

¹⁰ Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти/ Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD)

¹¹ Зайнутдинов Ш.Н. ва Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т., Akademiya, 2007. – 486.


¹² Суянов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. –Т.,Молия, 2007.-319б.

¹³ Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография.- Т., Молия, 2008,- 204с.

¹⁴Хашимов А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш.: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини учун дисс.иши. – Т., 2007. – 338б.

фикрини инобатга олган ҳолда корхонанинг истиқболини белгилаш жараёнидир» деб таърифлаган.

Халқаро молия корпорацияси корпоратив бошқарув корхона фаолиятига ижобий таъсир қилиш жараёни бошқарув тизимининг 4 та босқичи билан таснифланиши асослаб берган (2-расм). Биринчи босқичда корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда, энг аввало, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш орқали корхонанинг ижобий имижини ўзгартиришга олиб келиши кўрсатилган. Биринчи босқичнинг самараси иккинчи босқични шаклланишига замин бўлади ва ушбу босқичда эса корпоратив бошқарув тизимига дастлабки қадамлар қўйилгани учун капитал харажатлари камайтиради. Ушбу босқичларнинг самараси учинчи босқичда яъни ривожланган корпоратив бошқарув тизимига асос солади. Бунинг натижасида корхона капитал бозорига киришга имконияти яратилади. Халқаро молия корпорациясининг таъкидлашича, корпоратив бошқарувнинг тўртинчи босқичида корхона операцион самарадорлиги яхшиланиши туфайли етакчилик даражасига етиши кўрсатилган.




2-расм. Корпоратив бошқаруви ва унинг самардорлик босқичлари¹⁵

Корпоратив бошқарувда деярли барча корхоналарда ахборот тузилмаларининг самарали бўлиши учун бошқарувда шаффофлик ва улар фаолиятини самарали баҳолаш учун технологиялар орқали кузата олиш имконияти мавжуд. Шунингдек, корхона фаолиятини самарали ҳамда тезкор бўлишини таъминлайди. Иккинчи элемент бу хизмат кўрсатишни яхшилашдир. Демак, ахборот алмашинуви натижасида акциядорлик жамиятларида ҳисобот бериш, маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш кабилардир. Учунчи элемент эса акциядорлик жамияти фаолиятининг иштирок этишини таъминлашга имкон яратади. Худди шу учунчи элемент

¹⁵ The International Finance Corporation & the U.S. Department of Commerce, The Russia Corporate Governance Manual, p.13, <https://www.trade.gov/goodgovernance/CorpGovManual.asp>

акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг корхона фаолиятида аралашини таъминлайди (3-расм).



3-расм. Корхоналарда ахборот тузилмасининг уч элементи¹⁶

Диссертациянинг «Кўмир саноати бошқаруви ва ахборотлаштириш тизимининг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бошқарув тизими, молиявий-иктисодий ҳолати ва корпоратив бошқарув тизимида ахборотлаштириш тизимларидан фойдаланиши таҳлил қилинган.

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти ўз номи билан кўмир табиий ресурсини қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланидиган ташкилотдир. Ҳозирги кунда ушбу табиий ресурсни Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида қазиб олади. Тадқиқот ишида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг бошқарув тизимининг таҳлиллари шуни кўрсатидики, жамиятда бошқарув маъмурий-буйруқбозлик тизимида амалга оширилиб келинмоқда. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бошқарув тизими бугунги куннинг талаб ва вазифаларига жавоб бермайди, хусусан, бошқарувда замонавий технологияларда фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Жумладан, жамиятнинг Бош офиси Тошкент шаҳрида жойлашган, бироқ кўмир қазиб олиш фаолият тури эса Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган. Натижада, жамият ва унинг ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг бюрократлашуви ҳамда жамиятнинг аксарият акциядорлари билан ахборотлаштириш тизимида самарадорлик даражаси пастлигича қолган.

Тадқиқот ишда «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти молиявий-иктисодий ҳолатини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1013-сонли Қарорида¹⁷ келтирилган мезонлар асосида баҳоланган (1-жадвал).

¹⁶ Арипов А.Н., Мирзаҳидов Х.М., Шерматов Ш.Х. ва бошқалар Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари умумий тушунчалар. жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истикболлари, Т.-2005, 2005 UNDP Digital Development Initiative Programme, 47-б.

¹⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2018 й., 09/18/1013/2322-сон

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти молиявий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари¹⁸

№	Мезонлар	Формуласи	Минимал кўрсаткичи	Реал кўрсаткичи
1.	Тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициентлари ($T_{кк}$)	$T_{кк}=A_2/P_2-U_{мм}$	1.25	2.62
2.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик ($\check{Y}_{ак}$)	$\check{Y}_{ак}=(\Pi_1 + Y_{кк2}) - A_1 / A_2$	0.2	0.61
3.	Активларнинг рентабеллилик коэффициентлари ($A_{рк}$)	$A_{рк}= C_{тф}/\check{Y}_б$	0.05	0.093
4.	Харажатларнинг рентабеллилик коэффициентлари ($X_{рк}$)	$X_{рк}= C_{тф}/X$	0.05	0,018
5.	Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициентлари ($\check{Y}_{кк}$)	$\check{Y}_{кк} = \Pi_1 / (\Pi_2 - U_{мм})$	1>	3.64
6.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициентлари ($A_{вэк}$)	$A_{вэк}= \Delta/A$	<0.5	0.36

Жамият фаолиятида тўлов қобилияти ($T_{кк}$), ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик ($\check{Y}_{ак}$), активлар рентабеллиги ($A_{рк}$), ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициентлари ($\check{Y}_{кк}$) АЖда молиявий таваккалчилик мавжуд эмаслигидан далолат берган. Асосий воситаларнинг эскириш коэффициентлари ($A_{вэк}<0,5$) асосий воситалар сезиларли даражада эскирмаганлигини кўрсатган. Бироқ, жамиятининг харажатлар рентабеллиги ($X_{рк}<0,05$) паст даражада эканлиги молиявий ҳолатнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот ишда «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг корпоратив бошқарув тизимида ахборотлаштириш тизими таҳлили Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (собик Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган «Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш» сўровномасининг 7-банди «Ахборот сиёсатини баҳолаш» мезони асосида амалга оширган (2-жадвал).

Ахборот сиёсатини баҳолаш бўйича саволлар ва улар бўйича баллар тақсимоти¹⁹

№	Мезонлар рўйхати	Максимал балл	Минимал балл
1.	«Ўзбеккўмир» АЖ сайтида ахборотларни ошкор қилиш давлат тилида тўлиқлиги	100	-50
2.	«Ўзбеккўмир» АЖ сайтида ахборотларни ошкор қилиш рус тилида тўлиқлиги	100	-50
3.	«Ўзбеккўмир» АЖ сайтида ахборотларни ошкор қилиш инглиз тилида тўлиқлиги	100	-50

¹⁸Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.


¹⁹ Корпоратив бошқарувни баҳолаш учун сўровнома, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган.

2-жадвал давоми

4.	«Ўзбеккўмир» АЖ сайтыда оммавий ахборот воситаларининг акциядорлик жамияти тўғрисидаги материалларининг мавжудлиги	10	-10
5.	Мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг фундаментал ва техник таҳлиллари, шарҳлари ва прогнозлари натижалари АЖ веб-сайтида жойлаштирилганми?	10	-10
жами		320	-170

Ушбу сўровномада энг юқори кўрсаткич учун 320 балл, энг кам кўрсаткичларга эса -170 балл берилган. Ахборотларни давлат, рус ва инглиз тилларида ошкоралик мезонларининг ҳар бирининг 20та кўрсаткичларида маълумотлар келтирилмаган бўлса -50 балл. ОАВларда жамият тўғрисида материалларининг кўрсатилганлиги ҳамда мутахассисларнинг таҳлиллари веб-сайтда жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигига 10 баллдан, мавжудмаслигига эса -10 баллдан берилган.


Тадқиқотчининг таҳлилларига кўра, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти веб-сайтида корпоратив бошқарув тизимига тааллуқли ахборотларни давлат, рус ва инглиз тилида жойлаштириш бўйича таҳлилларнинг умумий кўриниши қуйидагича (4-расм). Унга кўра, жамиятнинг акциядорларга ахборотларни давлат тилида ошкоралик кўрсаткичи 100 баллдан 28 баллни, рус тилида 13 баллни ва инглиз тилида 0 баллни кўрсатган.



4-расм. «Ўзбеккўмир» АЖ корпоратив бошқарувга оид ахборотларни давлат, рус ва инглиз тилида ошкор қилиниши (балл)²⁰

Тадқиқот ишда «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш» сўровномасининг 7-банди «Ахборот сиёсатини баҳолаш» мезони асосида умумий таҳлил кўрсаткичлари қуйидагича жами 320 баллдан 41 баллни ташкил этган, бу эса 12 фоизни кўрсатган. Шунингдек, авторефератнинг 2-жадвалида кўрсатилган тўртинчи ва бешинчи мезонларда ҳам ҳеч қандай маълумот топилмагани қайд этилганлиги сабабли ҳар иккала мезонларга -10 балллардан берилган. Таҳлилнинг умумий кўринишини қуйидаги 5-расмда кўрсатилган.

²⁰ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.



5-расм. «Ўзбеккўмир» АЖ корпоратив бошқарувида ахборот сиёсатини баҳолаш²¹

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг акциядорларга тўланган дивидендлар тўғрисидаги 2007-2018 йилларга оид маълумотлар таҳлили (3-жадвал) шуни кўрсатмоқдаки, 2007-2011 йиллар оралиғида жамиятнинг акциядорларга ҳисобланган дивидендларнинг тўланмаган қисми 95 фоизни, 2012-2015 йилларда ўртача 60 фоизни, 2016-2018 йиллар оралиғида эса 30 фоизни ташкил этган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳисобланган лекин тўланмаган дивидендлар миқдорининг камайиши асосан ҳисобланган дивиденд миқдори камайиб бориши билан ифодаланади.

3-жадвал

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг акциядорларга ажратилган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар²²

Йиллар	Ҳисобланган (млн.сўм)	Тўланган (млн.сўм)	Тўланмаган (млн.сўм)
2007	895	37	858
2008	903	39	864
2009	1135	40	1095
2010	1217	46	1171
2011	1498	87	1411
2012	334	149	185
2013	243	162	81
2014	396	88	308
2015	383	152	231
2016	367	279	88
2017	357	246	111
2018	352	244	108

Ўтказилган сўровнома натижалари ва экспертлар фикрига кўра дивиденд миқдорининг пасайиб бориши нафақат АЖ ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатининг ёмонлашганлиги, шунинг билан биргаликда мулкдорларнинг якуний натижалардан манфаатдорлиги ва мотивациясининг сусайиб борганлиги билан ҳам боғлиқ.

«Ўзбеккўмир» АЖнинг акциядорларига тўланган дивиденд кўрсаткичи билан жамиятда ахборот ошкоралик кўрсаткичи 4-жавдал келтирилган. «Ўзбеккўмир» АЖнинг ахборот ошкоралик кўрсаткичи 5-расмда қайд этилган. Ушбу ошкоралик кўрсаткичи бўйича эксперт хулосасига асосан баҳоланган ва унда жамиятнинг веб-сайти ишга туширилган вақт, ахборотларни жойлаштирилиб борилиши ҳамда анъанавий тизим орқали

²¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

²² «Ўзбеккўмир» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

ахборотларни акциядорларга етказилган мезонлари инобатга олинган. Ушбу кўрсаткичлар регрессион таҳлилни амалга ошириш учун қаратилган.

4-жадвал

«Ўзбеккўмир» АЖнинг тўланган дивиденд билан ахборот ошкоралик кўрсаткичлар маълумоти²³

Йиллар	Тўланган дивиденд (минг сўм)	АЖда ахборотларни ошкоралик кўрсаткичи*
	Y	X
2007	36 945	0,64
2008	38 786	4,064
2009	40 603	7,488
2010	45 851	10,912
2011	87 561	14,336
2012	149 218	17,76
2013	161 975	21,184
2014	88 132	24,608
2015	152 266	28,032
2016	279 109	31,456
2017	245 977	34,88
2018	244 250	41

*Эксперт баҳолаш мезони асосида

Тадқиқотчи 4-жадвал маълумотлари таҳлилида (Y) натижавий омил сифатида тўланган дивиденд олинган ҳамда таъсир этувчи омил сифатида АЖда ахборотларни ошкоралик кўрсаткичи (X) олинган. Жадвал маълумотларини компьютер Microsoft Excel дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қуйидаги регрессион таҳлил натижаларига эришилган (5-жадвал):

5-жадвал

Регрессион таҳлил натижаси²⁴

Регрессион таҳлил натижаси R					
Кўплик -R	0,815392312				
R-квадрат	0,664864622				
Нормаланган R-квадрат	0,631351084				
Стандарт хато	0,469184167				
Кузатувлар	12				
	Коэффициентлар	Стандарт хато	t-статистика		
Y-кесишган жой	10,1371391	0,341380014	29,6945887		
ўзгарувчан X 1	0,536778046	0,120514213	4,454064216		
Дисперсион таҳлил	df	SS	MS	F ҳисоб	F
Регрессия	1	4,367165438	4,367165438	19,83868804	0,001227381
Қолдиқ	10	2,201337825	0,220133783		
Жами	11	6,568503263			

Тадқиқотчининг 5-жадвалдаги олинган таҳлил натижалардаги коэффициент миқдорларидан кўриниб турибдики, «Ўзбеккўмир» АЖда

²³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

²⁴ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

ахборотларни ошкоралик кўрсаткичи 1 фоизга ошиши жамият акциядорларига тўланадиган дивидендларини 0,53 фоизга ошишига олиб келади.

Регрессион таҳлил натижаларининг R^2 -детерминация коэффициентининг 0,66 тенг бўлиши тузилган моделдаги ўзгарувчи омил натижавий омилни 66 %га ифодалаганини англатади²⁵, $F_{\text{хисоб}} = 19.83 > F_{\text{критик}} = 4.96$. Тузилган моделнинг параметрларини Стъюдент мезони бўйича баҳолаганда унинг критик қиймати 1,81 га тенг юқорида келтирилган регрессия тенгламасининг ҳисоботидан маълумки ушбу мезоннинг ҳисобланган қиймати критик қийматдан катта бўлиши тузилган моделдаги параметрлар аҳамиятли эканлигини ифодалайди. Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг тенгламасини «Энг кичик квадратлар» усулидан фойдаланиб куйидагича акс эттириш мумкин бўлади:

$$\ln(Y) = 10,1371391 + 0,536778046 * \ln(x) \quad (1)$$

Демак, тадқиқотчи математик модель таҳлилининг кўрсатишича, «Ўзбеккўмир» АЖда ахборотларни ошкоралик кўрсаткичининг ошиши, жамият акциядорларига тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтирмайди, аксинча оширади.

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти акциядорларига тўланадиган дивидендлар миқдорини прогнозлаш учун тадқиқотчи экстраполяциянинг ўртача сирғанчиқ, энг кичик квадратлар ва экспоненциал текислаш усулларидан фойдаланилган бўлиб, у иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилишда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир.

Ушбу ўртача сирғанчиқ усули куйидаги формула ёрдамида ҳисобланган:

$$y_{t+1} = m_{t-1} + \frac{1}{n} * (y_t - y_{y-1}) \quad (2)$$

Бунда:

$t + 1$ - прогноз даври, t - прогноз давридан олдинги давр, y_{t+1} - башорат қилинадиган кўрсаткич, m_{t-1} - прогноздан олдинги вақт учун ҳаракатланувчи ўртача, n - даражалар сони, y_t - ўрганилган вақтнинг олдинги давр учун ҳақиқий қиймати ва y_{y-1} - ўрганилаётган вақтнинг олдинги икки давр учун қиймати.

Энг кичик квадратлар усули куйидаги формуладан ҳисобланган:

$$y_{t+1} = a * X + b \quad (3)$$

Бунда:

$t + 1$ - прогноз даври, y_{t+1} - башорат қилинадиган кўрсаткич, “а” ва “b” – коэффициентлар ва X- вақтнинг шартли белгиси.

Экспоненциал текислаш усули куйидаги формуладан ҳисобланган:

²⁵ 0,1 – 0,3 – кучсиз; 0,3 – 0,5 – сезиларли; 0,5 – 0,7 – ўртача ; 0,7 – 0,9 – кучли; 0,9 – 1,0 – ўта кучли. И.В.Орлова, В.А.Половников Экономико-математические методы и модели: компьютерное моделирование. Учебное пособие. – М.: Вузский учебник, 2009. – С.175.

$$y_{t+1} = \alpha * y_t + (1 - \alpha) * y_t \quad (4)$$

Бунда:

t - прогноз давридан олдинги давр, t + 1 - прогноз даври, α - текислаш параметри, y_t - ўрганилган вақтнинг олдинги давр учун ҳақиқий қиймати ва y_t – прогноздан олдинги давр учун ўртача экспоненциаль қиймат.

Нисбий хатолик қуйидаги формуладан ҳисобланган ва унда:²⁶

$$\varepsilon = \frac{1}{n} * \sum_{i=1}^n \left[\frac{|y_f - y_p|}{y_f} * 100 \right] \quad (5)$$

Юқорида берилган формулаларга асосан, «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти акциядорларига тўланадиган дивидендлар миқдорининг «Excel» дастури ёрдамида, экстраполяциянинг сирғанчиқ ўртача методини қўллаш орқали прогноз натижаси қуйидагича:

6-жадвал.

«Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти акциядорларига тўланадиган дивидендлар миқдори прогнози²⁷

Йиллар	Тўланадиган дивиденд (минг сўм)		
2008	38 786		
2009	40 603		
2010	45 851		
2011	87 561		
2012	149 218		
2013	161 975		
2014	88 132		
2015	152 266		
2016	279 109		
2017	245 977		
2018	244 250		
	Ўртача сирғанчиқ усули	Энг кичик квадратлар усули	Экспоненциал текислаш усули
2019	255 870	282 171	175 284
2020	252 572	305 961	174 700
2021	249 798	329751	175 187
2022	246 674	353 541	174 960
2023	243 638	377 331	174 911
<i>Нисбий хатолик</i>	59	63	31

